



ЭЗГУЛИК ЁРДАМИ

БМТ ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисиغا тиббий, санитария, экологик ва эзгулик ёрдами курсатувчи «Саломатлик поёзди» йўлга чиқди. «Экосан» жамғармаси билан бирга ЮНИСЕФ, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда бир қанча йирик хорижий фирмалар бу олижаноб тadbирда иштирок этишмоқда.

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Термиз тумани ИИБга қарашли участка катта ноэри, милиция майори Нурмуҳаммад Бекнаев ишбилармон, тadbиркор одам. У кишининг хонадонида ҳозир ун чиқарадиган тегиримон катта қувват билан ишламоқда. Шунингдек, нонвойхона, қандолатчилик цехи, тижорат дукони ҳам ишлаб турибди.

ЗАРАФШОНДА ТЕННИС КОРТИ

Зарафшон шаҳри марказида янги теннис корти спортчилар ихтиёрига топширилди. Корт қурилишига «Зарафшон-Нюмонт» Ўзбекистон-Амрика қўшма корхонаси ҳомийлик қилди.

ЁШ БАНКИРЛАР МАКТАБИ

Навоий вилояти жамғарма банки Нурота туманидаги мактабларда ёш банкирлар синфларини ташкил этди. Шу мақсадда бўлажак банкирлар учун 10 та компютер сотиб олинди. Машгулотларни эса банк ходимлари, тажрибали иқтисодчилар олиб боришмоқда.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ САМАРАСИ

Норин туманидаги А. Шамсуддинов номидаги жамоа ҳужалиги қошида йигирмага яқин кичик қорхона ва цехлар фаолият курсатаётти. Тери ошлаш, кленка ишлаб чиқариш, консерва, дурадгорлик цехлари, тегиримон, жувоз, машиналарга техник хизмат курсатиш устaxonаси шулар жумласидандир.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

Қизилтепа туманидаги Ф. Ҳужаев номи мактабнинг география ўқитувчиси Вали Улуғов диаметри 2 метру 10 сантиметр, юзаси қарийб 14 квадрат метрли улкан глобус ясади. Шунингдек, бу ижодкор ўқитувчи ўзи истикомат қилаётган тумanning 60 йиллигига бағишлаб географик қўлланма ҳам тузди. Республика халқ таълими вазирлиги В. Улуғовнинг самарали фаолиятига юксак баҳо бериб, Фахрий Ёрлиқ билан тақдирлади.

ЎЗА, республика матбуоти ва мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди



МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ассалому алайкум, «Оила»-мизнинг азиз ихлосмандлари!

Келгуси йил обунаси бошланган шу кунларда бизда-ю сизда бир-биримизга айтидиган анча гаплар борга ўхшайди. Келинг, хасратни биз бошлай қолайлик.

Аввало, ҳафталикнинг фаолияти тўғрисида бир-икки оғиз сўз. «Оила ва жамият»-ни носийсий газета дейишса асло ишонманг. Ҳафталикимиз энг сиёсий нашрлардан ҳам сийсийроқдир. Ўзингизга маълум, Ўзбекистон ҳукуматининг бош сиёсати жамият тинч-тотувлиги, оилалар фаровонлиги, келажагимиз бўлган ёш авлоднинг баркамоллигини таъминлашдан иборат. Демак, худди ана шу масалаларни ўзининг бош мавзуси, деб билган газетамиз энг катта ва муҳим сиёсатни амалга ошираётганлигига шубҳамиз йўқ.

Мақсадимиз — ҳафталикни оиланинг энг яқин дўсти, суҳбатдоши ва сирдошига айлантириш. Саҳифаларимизда оиланинг ҳар бир аъзоси — нуруний кексалару ёш ота-оналар, балогат ёшидаги ўғил-қизлар ва ҳаттоки хажжи фарзандларнинг талабу истаклари, орзу-умидлари, муаммолари акс этмоғи лозим. Таҳририятимизга келаётган хатлар, телефон қўнғироқларидан маълум бўлаётти, бу ишни биз маълум даражада уddалай бошлабмиз. Аммо, ушбу эришилган натижалар ҳали сизни-ю бизни қаноатлантирмайди. Газета ростмана оммабоп ва ҳақиқий халқ минбарига айланиши учун анча ишлар қилиниши зарур. Бу хусусда таҳририятнинг муайян режалари бор. Уларни сиз азиз муштарийлар билан ҳамкорлиги ҳамжиҳатликда амалга ошираверамиз.

Энди обуна хусусида тўхталаск. Маълумингизки, қозонни Россиядан оламиз. Бу азамат ўлка эса қозғо-

нинг нархини оширгандан-ошириб бормоқда. Республикамиздаги баъзи нашрларнинг тўхтаб қолши ҳамда молиявий қийинчиликларга дучор бўлаётганлигининг асосий сабаби шунда. Токи, ўзимиздаги қозғо фабрикалари тезроқ ишга тушиб, маҳсулот бера бошламас экан, бу муаммолар кундаланг бўлиб тураверади.

Майли, бу қийинчиликлар ҳам вақтинчалик, ҳали қурмагандек бўлиб кетамиз. Шунга қарамай, сезган бўлсангиз, биз обуна нархини кўтармадик. Газетамиз республикадаги энг арзон нашрдир. Очиги, оила газетаси бўлганидан кейин оила бюджетига жиддий таъсир этмасин, деган ниятда шундай қилдик.

Бизга газета дўконларда кам сотилаётганлиги ҳақида қўнғир қўнғирроқлар бўлади. Ҳатто, айрим «ашаддий» мухлисларимиз газета сураб таҳририятга ҳам келиб туришади. Афсуски, биз ҳамманинг ҳам қўнғилини ололмаймиз. Чунки «бўзчи белбоққа ёлчимас» деганларидек, тандир бошида турган ўзимизга ҳам қўпичча маҳсулотимиз етмайди. Буларнинг ҳаммаси уша қозғо танқислиги туфайли. Сизга ушбу ташвишлардан қутулиш учун «Оила ва

жамият»га обуна бўлишни маслаҳат берамиз.

Обуна нархи алоқа хизмати, транспорт, нашр харажатлари ортаётганлиги туфайли ҳам ошаётганлигини биласиз, албатта.

Ҳа, айтмоқчи, яқин қўшниларимиз Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон алоқачилари ўз муштарийларини «оила»-миз суҳбатидан баҳраманд этишни истасалар Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси (тел. код 3712, 33-75-49) билан шартнома тузишлари мумкин.

Дилингиз донолар суҳбатини тусаса, фарзандларингиз панду насихатга эҳтиёж сезса, янги турмуш қурганда турмуш чорраҳаларида адашмай десангиз, қўйингиз бошидан охиригача зерикмай ўқийдиган газета қидирсангиз «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»-ГА ОБУНА БЎЛИНГ.

«Оила ва жамият»нинг нархи:
6 ойга 159 сўм 90 тийин
12 ойга 319 сўм 80 тийин
Индекси: 64654

ТАДБИРКОРЛАР, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФИРМАЛАР ВАКИЛЛАРИ, ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Оила ва жамият» газетасининг «Реклама-эълонлар бўлими» (РЭБ) сизнинг хизматингизга шайланди. Хизмат ҳақи сиз кутган ва ўйлагандан ҳам арзон. Ижтимоиятингизни бой берманг.

Манзилмиз: Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95.



Туркистон бир — ватан бир

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш республиканинг бош вазифаларидан эканлигини айтди. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш комиссиясининг йиғилишида нутқ сўзлаган Президент мамлакатда оғир жиноятлар сони ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 17 фоизга ортганини афсус билан қайд этди. Йиғилишда йирик иқтисодий жиноятларга, раҳбар ҳодимларнинг порахуриликка қарши жиддий курашиш лозимлиги бош масала қилиб қўйилди.

ТУРКМАНБОШИГА АТАЛГАН АВТОМОБИЛ...

Қатар давлати шайхи Халид бин Абдулла ал-Атия Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязовга «GMC» русумли автомашина совға қилди. Ўз навбатида Туркманбоши шайхи Туркменистон мустақиллигининг 4 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда ва ЎзК Тенада маҳит очилиши маросимида қатнашишга таклиф этди.

...ВА МУКОФОТ

Сапармурот Ниязов Ҳиндистоннинг собиқ Президенти Гиан Зайл Сингх томонидан таъсис этилган «Халқаро бирдамлик мукофоти» билан тақдирланди.

Фонд бош директорининг шу муносабат билан йўлаган табригида айтилишича, Туркменистоннинг халқаро алоқаларини, шу жумладан Ҳиндистон билан бўлган муносабатларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ниязов бу мукофотга лойиқ деб топишган.

БАНКИРЛАР УЧУН ЎҚИШ

Алматидаги «Роҳат-палас» меҳмонхонасида Американинг «Дейлтон энд Туш» аудиторилик компанияси қозғоқсонлик банкирлар учун ўқиш ўтказди. Унда банкирлар ўзига тааллуқли турли маълумотларнинг четга чиқиб кетишининг олдини олиш учун нима қилишлари кераклиги ҳақида сўз борди.

СУВ — БУ ҲАЁТ

Тошкентда сув манбаларидан унумли фойдаланиш ва гидрологик тадқиқотларга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари Орол денгизи муаммосига тўхталдилар. Жумладан, симпозиумда Сибир дарёларининг сувини Оролга оқизиш масаласи қайтадан уртага ташланди.

ЁН ҚЎШНИ * ЖОН ҚЎШНИ

Бугунги кунда Тожикистон бизнинг мамлакатимиздан 1,7 миллирдан кўрастро афроғида газ оломқда. Санотнинг изга туша бориши билан газ ва нефт маҳсулотларига бўлган талаб ортиши табиий. Шунинг учун келажакда Тожикистонга қўшни Туркменистондан ҳам газ келтиришнинг истиқболлари ўрганилмоқда. Қолаверса, Туркменистон яхши қўшничилик аъёнчаларига содиқ қолиб, ўзаро урушлардан азият чеккан бу давлатга ёнигли-мойлаш маҳсулотларини ўзлуксиз равишда етказиб берапти. Бунинг эъзизига Тожикистон яқин келажакда минерал ўғитлар, алюминий, каустик сода, қорақўл тери бера бошлайди.

ЖАМИЯТ

Яқинда «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси марказий бошқаруви идорасида ҳудудий бўлинма директорлари ва жамғармага қарашли дорихоналар бошлиқлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди. Кенгашда дори-дармонлар билан боғлиқ бугунги муаммолар ва жамғарманинг бу борадаги фаолияти оид масалалар атрофида қўриб чиқилди. Чунончи, бўлинма директорлари ва дорихона бошлиқлари ҳудудлардаги қилинаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

Маълумки, мамлакатимизда дори-дармонларга бўлган эҳтиёж янада ошиб бормоқда. Шу мақсадда халқаро жамғарма «Гермед» фирмаси ва «Европа Ҳамжамияти комиссияси» билан шартнома тузиб, 200 хилдан ошиқ дори-дар-

СОҒЛОМ БЎЛСА...

монларни кредитга олиб келмоқда ва бу дори-дармонлар жамғармага қарашли бўлган ҳудудий дорихоналарда арзон нархларда сотилмоқда.

Биз кенгашга келган Хоразм вилояти бўлими директори, тиббиёт фанлари доктори Юлдуз опа Жабборовани суҳбатга тортдик.

— Экологик жиҳатдан носоғлом бўлган бизнинг ҳудудда дори-дармонга талаб жудаям юқори. Шунинг учун ҳам биз асосий эътиборимизни бу муаммоларни ҳал этишга қаратганмиз. Яқинда бўлинмамиз вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан вилоятда етиштирилган пахтани фирмалар билан шартномалар тузиб, керак-

ли дори-дармонларга алмаштириб олди.

Халқаро жамғарма сўнгги вақтларда Хитойдан 120 минг долларлик, Япониядан 60 минг долларлик инсонпарварлик ёрдами оиди. Асосан дори-дармон, медицина жиҳозларидан иборат бўлган бу хайриялар етимхоналарга, болалар уйига ўз вақтида тарқатилмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, жамғарманинг кенг қўламдаги бундай фаолияти фақат жамиятга соғлом ва баркамол инсонни етказиб беришга қаратилган. Зеро, бу эзгу мақсад бугунги кунда ўз самарасини бераётганлигини қилинаётган ишларда ҳам қўриш мумкин.

Мустақиллик куртаклари

САМО МАЛИКАСИ

ўз ўрни бор, албатта. Лекин бир сарфари... бошқача бўлган.

Шу йилнинг 30 мартда мустақил Ўзбекистонимиздан илк бор АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрига қараб учиб беришди. Фақат мен эмас, балки бутун жамоа жуда ҳаяжонда эдик. «Америка — сеҳрли диёр» деган гапларни жуда кўп эшитганмиз. Ҳаёлимни бизни қандай қутиб олишар экан, деган фикр чулғаб олган эди. Бир неча соатлик парвоздан сўнг (орада Амстердамда қўниб ўтдик), ниҳоят Нью-Йоркка келдик. Бизни шоду хуррамлик билан қарши олишди. Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлардаги ваколатхонаси ҳодимлари, ватандошларимиз кўчаларида севинч ёшлари, қалбларида она Туркистонга бўлган самимий меҳр-муҳаббатлари ифодаси ўлароқ, кутаринки руҳ, шўх-шодон кайфият билан қаршилашди бизни. Улар биринчи парвозимизни шу қадар интиқлик билан қуттишган эканки, ҳатто Наврўз байрамини ҳам бизнинг боришимиз шарофати билан бир неча кун кейин нишонлашди. Биз ўзимиз билан бирга Ватан тафтини, Ватан ҳавосини олиб борган эдик. Ватандошларимиз бизларни қўраб саволлар беришар, ҳаётимизнинг ўтаётган ҳар бир куни билан қизиқишарди.

Стюардесса қизлар ўз она тилларидан ташқари, рус тилини, бирор чет эл давлат тилини, айниқса, инглиз тилини билишлари шарт. Парвоз вақтида шароит тақозо қилса, ҳамширалик ҳам қиладилар.

— Шундай йўловчилар ҳам учрайдики, — суҳбатни давом эттиради Муҳайёхон. — Маршрут бўйича бориладиган шаҳар ҳақида қизиқиб сураб қолишади. Шу боисдан қайси давлатга парвоз қилаётган бўлса, уша ер ҳақида кенг билим, тушунчага эга бўлишимиз керак.

Жамоа Нью-Йоркда бир неча кун қолишларига тўғри келди. У ердаги махсус меҳмонхонада яшайдилар. Меҳмонхонада барча шароит яратилган. Ҳеч қандай камчилик йўқ.

Лекин, шундай кезларда назаримизда Ватанимизни уч-тўрт ой кўрмагандек бўламиз. — Соғинчимизнинг чеки йўқ. Шун-

да ўзаро келишиб, ўз қўлимиз билан битта ўзбекча ош дамлайлик, зора соғинчларимиз бир оз босилса, дейимизда, ҳаракатни бошлаймиз. Бунга меҳмонхона ҳодимлари ҳайрон бўлиб: «Ахир тайёр овқат бор-ку. Ёки бизларга айтинглар, тайёрлаб берамиз», — дейишади. Биз эса, меҳнат қилиб, ўзингиз пиширган таомдан ҳам мазалироқ овқат борми, дея жавоб берамиз. Ошнинг димоғни қўтиқлаб, иштаҳани очувчи ёқимли ҳиди уларни ҳам лол қолдиради. Сўнгра ҳаммамиз биргалашиб ўз уйимизда ўтиргандек чак-чаклашиб, овқатланамиз. Дастурхон атрофида бир аҳил оиладек жамул-жам йиғилиб, овқатланишимизни қўриб, улар ҳавас билан қарайдилар. «Ҳа, ўзбеклардан меҳр-оқибатни, оилапарварликни ўрганасан арзир экан», деб тан бердилар.

Муҳайёхон оилада бош фарзанд. Бир пайтлар замонавий кийим-кечак тикиб, опа-сингилларимни янада гўзал, янада чиройли қилсам, деб орзу қилганди. Бугунги кунда унинг ўзига ярашиб турган стюардессалик кийимига барча ҳавас билан қарайди.

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА



ЧЕХРАСИ ОЧИҚ АДИБ

Давраларда атоқли адиб Ҳаким Назир ҳақида сўз кетса, катта кичикнинг дилида аллақандай илиқлик уйғонади. Барча у кишини яхши эзучи, ажойиб инсон деб таърифлай кетади.

Бундай баҳо камдан-кам қалам аҳлига насиб этади. Негаки, бу асримизда не-не одамлар давр шамолига қараб узғариб борди. Кун чиқишига қараб йўлини тўрилади. Натيجаси нима бўлди. Турли сиесий қарашларга берилиб кун курганлар аста-секин минбарлардан тушди. Бебурд бўлди. Сўз қалри ҳам анчайин уз шакли, таъсирчанлигини йўқотди.

Ҳаким Назир кўлига қалам олган кундан бери, самимиятни улуғлади. Сўзинг бетакрорлигини, шамолда учиб юрмасли-

гини бош мақсад қилиб олди. У олтинш йилдан буён болалар эзувчиси сифатида қалам тебратилди. Бу кунга қалар алибининг олтиншдан ортиқ турли жанрдаги асарлари эълон қилинди. Китеобларининг нашр нусхаси бир ярим миллиондан ошиб кетди. Турли даражадаги мукофотлар олди. Аммо қалам босишини, қалам тебратишини узғартирмади. Унинг мақсади битта. Болалар адиби болаларлай бегубор, тугри сўз бўлиши керак. Ҳаким ака олтинш йиллик ижоди давомида шахси бутунлигини, иймонли оилдан чиққанлигини исботлади. Шу маънода биз у кишига ҳавас қиламиз.


Адибнинг «Лочин қанотлари» румони, «Енар дар», «Куктерак шабадаси», «Сунмас чакмоқлар» киссалари, ушлаб ҳикоялари йи-

гирмалан ортиқ тилларга таржима қилинди. Асарлари эллик йилдан бери дарсликлардан мустаҳкам урин олиб келмоқда. Ҳисоб-китеб қиладиган бўлсак, инсон сифатида, улкан ижодкор сифатида қилган ишлари жула кўп.

Ўзбекистон халқ эзувчиси Ҳаким Назир роппа-роса саксон ёшга тулди. Ҳар томонлама ҳавас қиладиган ёш. Биз ҳамisha яхшилар кулайсин, деб орзу қиламиз. Ҳаким ака эса уша биз орзу қилган инсон. Шундайлар қаторида юрсак, изидан борсак, мустақил Ўзбекистонимиз нурафшон Республикага айланади.

Ҳаким Назир устозимиз йигирма биринчи асрда ҳам давраларга очиқ чеҳра билан қиришларига ишонаман. Чунки иймон билан ишонч бирга яшайди.

Сафар БАРНОЕВ



Яхшиликка яхшилик қила билиш ҳам мадрдлик...

Иродаси суст ва анойи одамгина бировларнинг ҳушомадига учайди. Ҳушомад ҳам — пора. Ҳушомадгўйлик — ожизлик нишонаси.

Виждон деб ўз-ўзидан уялишни айтса керак-а?

Ўзини ўз кўзиг биланмас, бировнинг кўзи билан яхшироқ кўра оласан.

Тирговичга ўрганма. Тирговичга суялган дарахт қаттиқ шамолда тиргович билан қулайди.

Бировга яхшилик қилганда, ундан яхшилик қайтишни кутма. Ундан қайтмаса бошқадан қайтади.

Ёрдам бегараз, беминнат бўлсагина ҳам бўлади.

Йўқ эса ланж ошдай қоринни оғритади.

ҲАМКАСБЛАР АДИБ ҲАҚИДА

... Ҳаким Назирнинг бошқа ешларга, ҳатто баъзи бир кеска эзучиларга қараганда ёрқинроқ асарлар ёзишга, эзувчиликка тез суруят билан илгариллашга сабаб... уз материалини, ўзи таъсир этмоқчи бўлган ҳаётни яхши билишидир...

АБДУЛЛА КАҲҲОР

Ҳаким Назир «Куктерак шабадаси» повестида колхоз ишига жонкуяр, ҳалол, онгли ва ниҳоятда принципиал бўлган, турчилик, даб-дабозлик билан сира ҳам келишма олмайдиган курашчи образини яратиб муваффақиятли уринган. Асар бадиий таъсирчанлиги, инсоний характерларни моҳирона яратганлиги жиҳатидан ўзбек прозасининг энг яхши намуналарига мансубдир.

КОМИЛ ЯШИН

Қадри Ҳаким Назир, Сизнинг Х. К. Андерсен номли Фаҳрий Диплом билан мукофотланганингиз... адабиётдаги хизматларингиз Халқаро миқёсда юксак эътироф этилганга равшан далилдир.

Сергей МИХАЛКОВ

Ўзбек болалари, уларнинг олис-олислардаги тенгдошлари ҳам Ҳаким Назирнинг «Сунмас чакмоқлар», «Енар дар», «Куктерак шабадаси», «Сув гадоси» китеобларини севиб ўқиганларидан хурсандман.

Кўп томлик «Пионер кутубхонаси»да А. Гайдар, Л. Кассил номлари ва асарлари қаторида Ҳ. Назирнинг ҳам номи ва қисса, ҳикоялари урин олганлиги қувонарлидир. Адиб қалами ёрқин ва олжаноиб идеалларга хизмат этаётгани учун ҳам барча ёшдаги китеобхонларга қимматлидир...

АНАТОЛИЙ АЛЕКСИН

Ҳаким Назирнинг «Кенжатои» киссасида хунар мактаби ҳаёти қи-зиқарли, жозибали курсатилган бўлиб, усмирларда ишчи касбидан фахрланиш ҳиссини тарбиялайди...

МАРИЯ ПРИЛЕЖАЕВА

Ҳаким Назир асарлари ўзбек болалар прозасининг ярим асрлик ривожланиш йўли, муаммолари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳукм чиқариш учун асос бўла олади.

... Адиб томонидан босиб утилган йўл ўзбек болалар прозаси учун гоёат ибратлидир.

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

ҲАКИМ НАЗИР

КУНДАЛИКДАН

Қоп-қоп пул асрагандан кўра бир ночор бандани очликдан асраб қолишинг савоби ортиқроқ.

Баракали кўлда пуч ёнғоқ ҳам тўқ бўлиб кетади.

Айтинг-айтинг, кўнгли кўзусини хира босмасин. Хира босса, оламга тўғри қараш, ундаги ажойиботларни ажратиб мушуқлалашади.

Бахтимизга яхшилар бор. Шулар дунёни кўтариб туради. Шулар бўямаса-чи, худо кўрсатмасин, олам ағдар-тўнтар бўлиб кетарди.

Ижод билан шуғулланиш кўнгидаги энг нозик сирлар ва юксак ният-мақсадларни одамлар билан ўртоқлашишидир.

Айримлар ўз борлигини билдириш учун қурбақадай ўқтин-ўқтин вақиллаб кўяди.

Бағзилар-чи, назардан қолиб кетишдан кўр-қаб пукзу оломоннинг олдига ўзини уредди.

Кишининг ҳусни бировларга ҳолис хизмат қилаётганда яққолроқ очиларкан.

Ташвишсиз ўтган кунимни кун демайман.

«Зерикиш» деган сўзни ишқмаслар учун чиқарган бўлса керак.

Биров қор-хайрга киришганда, «худо қувват берсин» дейиш ўрнига, «Нима мақсадда қилялсан?» деб кўнглига гашилик солиш одам-гарчиликданмас.

Исроғарчилик — хорлик келтиради. Айниқса, кучини, вақтини, ақлни беҳуда нарсаларга сарфлаб юборишдан ёмони йўқ.

Бировнинг оҳорини тўқиб билан лаззатланишдан кўра нафқалик йўқ.

Ҳеч нарса одам қадри қимматини меҳнатчалик кўтармайд.

ЭВАЧИЛАР

Наврўз арафаси, шоккуча ёнбошидаги автобус бекатида бир кампир шойи гилофли дутордай асбобни тиззасига қўйганча утган-кетганин томоша қилиб курсида утирарди. Юз-пешана ажинлаи қават-қаватлигидан ута қартанглиги билинарди. Аммо тилласимон ялтироқ рўмолико, ола-була зарбоб пешмати, йил-йил жез тугмалар қадоглиқ башанг туфлиси, айниқса, чаккаларига тушиб турган сочлари қоралиги кампирни анча ёшартиргандай. Унинг тийрак кўзлари яқиндан лапанглаб ўтаётган доқа рўмолли, кўзойнакли туладан келган қари хотинни илгаркан, унга қаттиқ тикилганча: «Ҳой, холамомай!» деб чақирди. «Холамомай» эшитмасам, унинг пинжига ёпишиб бораётган қизча овоз эгасига қайрилиб бокди. «Тўхтаб туринглар-чи!» деб кампир жойидан кўзгалди-ю, икки қария бир-бирларига бакрайишиб қолишди.

— Ҳой, ўзингмисан, эгачи? — деди зарларга уралган аёл доқа рўмолли аёлга яқинлашиб, кучоқ очиб.

— Ўзингмисан, эгачи? — деди унисиям, сариқ кўзойнагини қўлига олиб, тикиларкан. — Мен сени қайси бир яллаган экан десам, алмисокдан қолган ўзимизми... Ҳей, гажиб ташлаган суякка ҳаҳшоб қолган бўлсанг ҳам ўша-ўша яллагичлик нусханг-а!

«Яллагич» хингирлаб кудлико кўярда-қўймай танишини ўз ёнига ўтказди. Бир-бирини «эгачи»лаб ўрганган, қадимда ёнма-ён яшаб, кейин бошқа-бошқа томонга кўчиб кетган қўшнлар суҳбатга берилишди.

— Лапанглаволиб юришинг эскидан қолганмисини, шундай кўзимга иссиқ куринсанг-а! Локин-чи, эгачи: кўлингда хассангни кўрмаганимдан янглишим-миям дедим. Ахир ўн йилдан ошди-ёв кўришмаганимизгям. Ушандаёқ хассасиз бир қадам босолмасдинг-ку, эгачи-жон, қандоқ қилиб энди...

— Э, мени хассас манави жоним бўлади, — деди доқа рўмолли эгачи ва кўзларини прирлатганча «яллагич»нинг алламбало кийимларига ҳайратли жовдирган жажжи неварачасига ишора қилди. — Ана шу Попугим бўлади мени ҳассадан қўтарган. Гапни қисқаси, бир кунни Попугим мактабидан хумдай пи-

шиб йиглаб келди. Ҳа, нима бўлди деса, уни мактабда майлисга солиб дуп-послашибди. Сабаби нима бўлди дегин: «Сен бувингга тузук қарамасанкан. Бувинг ҳасса таяниб мункиллаганча йўлини зурга топиб юрсаю, бозор-учарни шунга қилдириш инсофданми!» — дейишибди. Чамаси бир марта гузардаги дукондан нон-пон кутариб келаятганимни қайси биттаси кўрганакан-да. Попугимни «бувини аямайдиған, катталарни ҳурматламайдиған» қизга чиқаришибди. Уни иқтидорли ўқувчилар қаторида сийлайдиғанлар энди назар-писанд қилмай қўйишибди. Сирқаси сув кўтармайдиган Попукка шу баҳона бўптию, бувисига парвона бўб қолибди.

— Қарабсанки, эгачижон, Попуккинам энди мени ҳаммадан, боринки, аясидан ҳам авайлайдиган бўлди. Олдинлари келиним ишга кетганда қараб туролмасидим: кир ювса кирини дорларга ёйишаверардим, ошга унганда сабзи, пивэ артишим юборардим, уй-жойни супуриш-сидиришларга аралашардим, энди-чи, Попук аясига ўзи қарашиб, мени бу юмушлардан озод қиладиган бўлди. Дукондан ул-бул келтиришгям ўзи зинглийд.

«Сиз, бувижон, тинчгина ўтиринг», дейди. Тагин «Ўзизга қаранг» дегани ортиқча!

— А-а, бу билан нима демоқчи экан, эгачи? — деб қизикиб қолди «яллагич».

— Менам, — деди кампир, ишшайиб турган неварасига кўз қисиб, — ўртоқларининг бувиларига ҳаҳшоб чироили бўб юрармишман. Шунақаи, Попук? Шунда бу уялмасмиш. Номусаки қизни топган гапига қаранг, товба! Мен бўлсам, «Ҳой, болам, ўйлаб гапирвотсанми, алмисокдан қолган кампир учун пардоз-андозга бало борми!» десам, «Бошқа кампирлардан қаериз кам, сиз тагин отин буви ўтган бўлсангиз» эмши.

— Бўлди, бўлди, эгачи, ўзимам нақ ажабланиб турувдим кўзингдаги сурмага, қошингдаги усмага қараб. Тўшушдим энди. Аммо хассани ташлаганимга ақлим бовар қилмай турибди барибир.

Отин буви озги тула кумуш тилшарини ярқиратиб қулганча тўшуштира кетди: Попук дадасини кўярда-қўймай буви-жонисига кўз дўхтир қақиртирибди. Духтир кампирнинг кўзларини даволабди.

Кейин уткир кўзойнак ёзиб берибди. Шу чироили сариқ кўзойнакни таққач бувижоннинг кўз тинишлари қолибдию, ҳасса таянишдан қўтилибдилар.

— Сенга айтсам-чи, эгачи, неварадан буюрса шунақа буларкан, — деб «яллагич» уз невараларининг меҳрибончиликларидан мактана кетди. Икки невараси машина минадиган бўбди. Улар бувисини ҳеч пивда юргизмай қўйишибди. Бирон жойга бораман деса «Мен обораман, мен обораман» деб талашиб кетишармиш. — Ҳозир биттаси мени меҳмонга оборапти. Ана машинаси, — деб нарироқда турган ҳаворанг «Жигули»ни курсатди. Невараси «Меҳмонга қуруқ борман» деб гастрономга мева олгани кириб кетибди. — Жуда саҳийда неварам мен сенга айтсам...

— Хулласи, — деди отинбуви эски керилмачқоқ эгачисининг сўзини кесиб, — қаёққа кетялсан?

— Бир қадрдоним чалларга айтувди. Узинг қаёққа отландинг, эгачи?

Отин бувини Попуги мактабда бўладиган Наврўз байрамига олиб кетаятган экан. Отин буви бормийман десаю, Попуги: «Мактаб директори тайинлади. Бувингга ўхшаш табаррук кампирларни тўрга ўтказиб, телевизорга олдримиз, деди. Бормасангиз хафа бўлади» деб кўндирибди.

— Ундан кура, эгачи, биз билан юракол. Ўзингга олдингидан қолишмайдиган пурим бўб кетибсан, дутор чалиб, ялла қилиб берсанг, мактабдагилар хурсанд бўлишарди.

— Чалларга бормасам балого қоламанд-а, олдиндан тайинлаб қўйишган.

— Чалларда зиефати куюроқроқ, қис-тирмаси тўкироқ бўлади-да, а?

— Қўй ҳазилингни, эгачи. Ҳозир унақа кистирмага муҳтожлигим йўқ ҳечам. Худого шукур, невараларим бойвачча бўб қолишган. Ҳамма ёғимни тўкис қилиб қўйишган.

— Нима иш қилишарди улар?

— Ҳалиги, нимаиди... Тадбиркорми-е, фермерми-е, бизнесменми-е, тушулномлисанам бу охирзамон болалари тилига!..

— Ўзингга тилингни тургилавор, эгачим! Булар «охирзамон болалари»мас, «ҳозирги замон болалари» дегин!

— Ҳа-а. Нима қилсам отин ўтган-сан-да, эгачижон, тилинг бурро!..

АНТОНИО АМУРРИ,
ИТАЛИЯ

БЕМОР ХОТИНИМНИНГ «АНОЙИ» ЭРИ

Нега фалончини хотини ташлаб кетди, деган хабарни эшитганда беихтиёр кўнглимизда адабсиз рақш туйғуси кўзғолади.

Мен эрта тонгда уйқудан қўзимни очибкоқ хотинимдан: «Хўш, қалайсан, бугун тузукмисан, ишқилиб?», деб сурайман, шунда унинг: «Кечагидан баттарроқ», деган жавобини эшитсам шукр қиламан.

Шу жавобни эшитишим билан ке-чирилмас хатога йўл қўйганимни англайман, бироқ айтилган гап — отилган ўқ, тузатишнинг иложи йўқ — кеч. Энди менга ҳаммаси аён, демак, хотиним узини ёмон ҳис этаётир. Бугун ҳам ахвол шу. Пешиндаёқ ишдан қайтиб, уйга кирганимда яхши келлигини, деб сураш урнига хотинимнинг даққисини эшитаман:

— Ахволим эрталабқидан ҳам ёмонроқ. Эрталаб кечагидан баттарроқ эди. Сизнинг парвойингиз паллак, бундай бир қалай утирибсан, деб тушгача кўнгирақ қилай демасиз?

Мен мўлтиллаб, уэр сураган алпозда унга қарайман.

— Жонгинам, тушгача ишлар қалашиб кетди, бунинг устига-устак бошим чунонам оғридики...

— Сизнинг бошингиз-а! Оғриди?! — кесатиб сурайди хотиним кескин хужумга утаркан. — Мени калака қиляпсиз, шекилли!

Умуман, аёл зотиға хос худбинлик менинг хотинимга ҳам бегона эмас, шу боис узидан бошқа бировнинг бирор жойи оғриб қолиши эҳтимолини у ҳаёлига ҳам келтиролмайдди. Бир кунни қўриқиб бўлиб, касалхонага тушганимда хотиним мени операция қилишлари мумкинлигини ҳеч қўз олдига келтиролмаган. Ҳойнаҳой, у эрим жарроҳ, профессор Трекка билан операциа столда карта уйнамоқчидир, деб уйлаган бўлса ҳам ажабмас. Қорнимнинг тилинган жойи битиб, ип олиб ташлангандан сунг, чандиқни ўз қўзи билан кургандан кейингина у операция бўлганимга ишоп-

Ҳажвий ҳикоя

ди. Ишонди-ю, бироқ буни врачларнинг хатосига йўйди, гуё улар менинг касаллигимни билмай туриб, қорнимни адашиб ёришган эмиш. Агар қўричаги касалланган, операция қилиб олиб ташланиши лозим бўлган битта бемор бўлса, бу ҳам мана менман, аммо касалхонага бориб ётиб олиб, уй-жойимни эгасиз, сенларни оч-наҳор қолдиришни истамайман, дейди хотиним.

Энди хотин беҳосдан оғриб қоладиган хасталикларга қайтайлик.

— Мана бу жойим оғриятти. Чап билагим. Тирсагимгача қуйиб оғриятти, запитдан оёқларим қақшаяпти; бу неврагик касаллик, даволамаса бош суяги билан мия нервларининг шомоллашига олиб келармиш, кейин белга утаркан. Билагимдаги оғриқ тўхтатар деб ревматолин ичдим, яна анти-ройниндан ҳам озроқ ичдим — нервлар шомоллашининг олдини олса керак, бироқ бу дорилардан қорним шунақа бураб оғридики, чангак бўлиб қолдим. Бир амаллаб туриб, икки дона гастрохолл ичдим, қорнимнинг санчитгани тўхтайдди-ю, аммо бошимга оғриқ турди. Қўлим қақшаб турганига қарамай ҳам мигренга, ҳам билакка даво бўлсин деб пираневриндан олти томчи ютдим. Шунга ичдимиз бироз енгил тортдим; барибир бел қўйиб юрмай турди, шунга жиндай момбагин ичдим. Белнинг оғриги йўқолди-ю бироқ момбагин, қўриб кетсин, кўнглимни айнитди: житарга таъсир қилди-да. Иложим қанча, икки қошиқ юракни босадиган дори билан гепатохолин, яна холистостолдиндан ўч дондан ютдим. Мана энди кўнгил айнитиш тўхтади, аммо оғрим чунонам қақшаб оғриятти, бошимни қаерга уришни билмашман!

— Унда оёқмалҳаминдан ич, — дейман мен.

— Калака қиляпсизми? Оёқмалҳамин эмиш!

— Бунақа дори йўқ демоқчимисан? Қизик.

— Мен антиревматолин ичгандим, унинг урнига артрозан ичганим тузук экан. Ҳа, айтганча, утган ҳафта менга ишатиқолен яхши ёрдам берди, бироқ...

Хуллас, шунақа! Менинг хотиним, қандай ҳолатда бўлмасин, албатта шу — «бирок»ни топади: «Ҳаммаси яхши-ю бироқ...», «Тузук бўлдим-ку, бироқ...»

Аммо менам анойилардан эмасман. Бахтимга менда шундай бир малҳам ноеб борки, уни қўлладим деғунча хотин урнидан иргилиб туриб кетди. Бу сафар ҳам ана шу воситани ишга солиб юбордим денг: «Ҳа, сenga қийин хотинжон... Афсус, афсус! Бугун бир сени театрға олиб тушай, деб мўлжаллаб қўйгандим. Начора!» — дейишим билан муъжиза рўй берди: узукун хотинимнинг бошини «сиқиб ётган» темир балдоқ қарс узилиб ерга тушади гуё. Бир дақиқа утар-утмас бемор хотиним очилиб-сочилиб гапга тушиб кетади:

— Айтсам ишонмайсиз, дадаси, антиболни билагимнинг қуйиб оғриш-ни таққа тўхтади. Икки дона ринокс таблеткасидан кейин тумовим очилиб кетди-я! Буни қаранг! Энди бир амаллаб иситмани туширсак... Бу осон, икки дона антифибрин старли, турими? Дадаси, биласизми нима қиламиз? Уйдан чиққунча мен, ҳар эҳтимолга қарши, икки қошиқ психанализ ичиб оламан, яхшими? Ана шундан кейин, қарабсизки, оҳ-ҳо, театрда, сизнинг ёнингизда соғлом ва қувноқ хотинингиз тулдай бўлиб, очилиб-сочилиб утирибди-да! Эҳ, менинг шўрликкинам! Сизнинг озгина вақт-хушлик қилишингиз учун мен ҳар қандай азоб-уқубатга тайёрман... Ҳа, айтганча, театрнинг ложасидан жой тегиб қолиши мумкин-ку, а, ўзимиз билан жиндай клаустрофобол олиш-ни унутмайлик...

А.ОТАБОЙ таржимаси

Сўнги устун

КОКИЛИНГНИ КИМ КЕСДИ?

Аргентина терма жамоаси бош мураббийси Даниэл Пасарелла бундан буюн ж.моага фақат сочи калта футболчиларни таклиф қилишини айтди. Бундан хабар топган Габриэл Батистута «оёғини қўлига олиб» сартарошга югурди. Канижжа, Марадона, Ружжари, Редондалар эса мураббийнинг бу қароридан норози бўлишди.

ОЛИМ БЎЛИШ ОСОН(МИ?)

Хитой Халқ Республикасида аҳолининг уртача умри 69 йилга тенг. Лекин илмий-педагогик муассасаларда ишловчиларнинг умри бор-йўғи 58 йилга тўғри келаркан.

ҲАММА ГАП СОВУНДА

Черногориянинг Калосин шаҳрида яшовчи Благой Влахович 45 йил давомида соңига қайчи теккизмаган. Шунча йил ичида у бор-йўғи икки марта бошини ювган. Шуниси ҳам борки, у бунда ўзи яратган махсус совундан фойдаланади.

БОШИ ЖАНЖАЛДАН ЧИКМАЙДИ

Италиялик машҳур қўшиқчи Ал Бано Корризидининг америкалик ҳамкасби Майкл Жексонни судга берди. У АҚШ рок юлдузини «Денжерос» қўшиқлари албомини ёзиш чоғида ўзи бир вақтлар ижро этган «Балака оқушлари» қўшиғининг қуйини ўғирлаганлиқда айбаламоқда.

Хуллас, бир мунча вақт аввал бачавозликда айбонлар нақ 20 миллион долларидан ажралган Майкл ҳали нафасини ростлашга улгурмай, бу машаага рубаруб бўлди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Футбол бўйича Перу миллий чемпионатининг навбатдаги ўйинларидан бирида бош ҳакам Фернандо Чапел майдон четидан ёрдамчиси Виктор Суйонга қизил карточка кўрсатиб, майдондан чиқариб юборди. «Суйон ўйин бошлангандан кейин утган 14 дақиқа ичида бир қанча қўпол хато-ларга йўл қўйдики, агар бунинг олдини олмасам, майдонда жанжал қикиб кетиши мумкин эди», — деб изоҳлади ўз қарорини Чапел.

ОРҚАЛАБ ЮРИЛАДИГАН ТАНГА

1644 йилда Швецияда қиймати 10 далерга тенг бўлган мис тангалар зарб этилди. Ҳар бирининг оғирлиги 19,71 килограмм бўлганлигини ҳисобга олмасада бу тангалар бошқаларидан асло фарқ қилмасди.

ҚОЧ, МАШШОҚ КЕЛАПТИ

Жанубий Африка Республикасининг Худспрейт шаҳрида яшовчи Питер ван Логгеренберг аккордеонда куй чалишни жуда яхши қўради. Бу борада у ҳатто овқату уйқудан ҳам воз кечиб юбориши мумкин. 1987 йилнинг 7-10 июл кунлари ўтказилган Табиат байрамида 85 соат узлуқсиз куй чалиб буни исботлади.

ХАНДАЛАР

Йигит қизга дейди:

— Бугунги оқшомни жуда зўр ўтказадиган бўлдик, жонгинам. Мен театрға учта билет олдим.

— Учта билетни нима қиласан?

— Дадамга, ойимга, укамга...

Ошиқ йигит машуқасига:

— Жоним, дунёда мен учун энг қимматли нарсасиз...

— Вой ўлмасам, машинангизни сотиб юбордингизми? — деди

машуқа унга жавобан.

Поездда бир йигит ўзи билан бир купеда кетаётган қизга нима деб гап бошлашни билмапти ва охири дебди:

— Яхши қиз, кечирасиз, сиз ҳам шу поездда кетаяпсизми?

Ёшгина қиз дўконга кирибди:

— Манави матонинг метри неча пул?

— Қиммат эмас ойимқиз. Бор-

йўғи, бир метрига битта бўса, холос.

— Жуда яхши! Менга саккиз метр ўлчаб беринг. Мана менинг адресим.

Ҳақини бувим тўлайди.

— Сени «эшак», — деган йигит қайси?

— Билмадим. Уни биринчи марта кўришим.

— Қизик, бир кўришда сени қайқдан таний қолди у?

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:
700078, Мустақиллик
майdonи, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Олим БЕКНАЗАР
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0462. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.